

Қизим хорижий бир ташкилотда ишлайди. У ерда намоз ўқиш учун шароит йўқ.

15:10 / 26.04.2016 2961

Қизим хорижий бир ташкилотда ишлайди. У ерда намоз ўқиш учун шароит йўқ. Ҳар куни у эрталаб бомдод намозини ўқийди ва кечқурун ишдан келиб, пешин, аср, шомнинг қазосини ва хуфтонни ўқийди. Шундай қилиш мумкинми?

Албатта намоз фарзлигини билиб шу тарзда намоз ўқиб бориш ниҳоятда яхши. Лекин ўша хорижий ташкилотлар ҳам тушунади, айтиб, тушунтириб, вақтида намоз ўқиши учун беш, тўрт дақиқани ижозатини олинса ёки ундан озроқ кўпроқ вақтни менимча ўша хорижий ташкилотни ходимлари, раҳбарлари ҳам бош тортмайдилар балки ҳурсанд бўладилар деган маънодамиз. Шунинг учун бундай пайтларда иш жойида, ишлаётган кишилар, балки ўша иш раҳбарлари билан келишиб уларга тушунтириб, бу ишга ёки бошқа бир тарафга зара келтирмаслигини аңлатиб намозни вақтида ўқишни йўлга қўйиш пайида бўлиш керак, ана шу яхши. Иш маъноси намозни тарк қилишга ёки қазо қилиб вақтидан кейин ўқишга сабаб бўлаолмайди. Албатта шунчалик ўқиб, қазосини ҳам ўқиб туриш ўқимай қўйишликдан катта бир яхшилик, улкан бир саодат. Лекин ўша саодат баркамол бўлиши учун иложини қилиб, йўлини топиб ишхонани ўзида ўқиб олишни йўлга қўйса яхши бўлади. Албатта бу ноқулайларни ичида юрган одам учун ўтириб олиб гапириш, қандайдир бир тушунмовчиликка ўхшаб эшитилиши ҳам мумкин. Лекин намозни аҳамияти шунчалик улуғлигидан бу нарсани айтилиши лозим лобуд. Аллоҳ намозни адо этаман деган ҳар бир бандаи мўминни, эркагу аёлни шароитини осон қилсин, яхшиласин. Намозини ўз вақтида адо этишда Парвардигори оламнинг Ўзи ёрдамчи бўлсин.